

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2005-yil • 20-avgust • Shanba • 102 (27.437) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.




Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги шодиданлари бошланганига яна республика 10 кун бор. Уни жуда катта байрамона рух билан кутиб олиш учун республикамиз шаҳар ва туманларида, қишлоқ ҳамда овуларда қизин таратқуд бормоқда. Айниқса мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш ишлари ҳар қачонгидан қизин.

«...Уч-тўрт кун олдин рўй берган ибратли бир гапни айтиш, — деб сўз бошлади ақнда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан бири** Ўзбекистон телевидениеси мухбири билан суҳбатда. — Эрталаб ишга келаяпти, йўл-йўлакай бир биродарим билан машинага чиқдик. У Эски Жувагача боришини айтди. Бироз ўтиб, ҳайдовчи «келдик» дея тўхтади. Биродарим теварак-атрофга аланглаб қаради-да, «қаерга келдик?» деб сўради.

— Эски Жувага...! Биродаримнинг бу ерга тушмаганига ҳафта, нари борса ўн-ўн беш кун бўлган чоғи, у шу кунлар ичида қилинган, қилинаётган ўзгаришлардан ҳайратга қолди.

Атай, бу лавҳани эслашдан мақсадим, Мамлакатимиз Пойтахти — Тошкент Истиклол байрамнинг 14 йиллигига бениҳоя катта ҳозирлик қўраётганини айтмоқчиман. Ҳозир қайси кўчага бос суҳманг, қайси майдонку хиёбонларда бўлманг ёхуд қайси



УЛУҒ БАЙРАМ, УЛУҒВОР ИШЛАР

бир мавзе ёки гузарга, маҳаллага борманг ва ҳатто қайсики, ҳовли ёки хонадонлар инқарисига бирор разм ташламанг, байрам нафаси, байрам таратқуду: қуриш, яратиш, таъмирлаш ишлари, ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш ташвиши... Теварак-атрофда дов-дархатларга шакл бериш, сугуриш-сидириш, ранглаш, оқлаш...

Боя тилга олганимиз — Эски Жуванга олинг. Чорсу бозорига қад ростлаган кўркам фаввора нафақат бозорга балки шу атрофдаги маҳаллалар аҳлига ҳам, келиб-кетувчиларга ҳам завқу шавқ бағишляпти. Бу ерда туштувчи Соғбон, Зарқайнар ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойда Президентимиз маслаҳати билан қад ростлаётган Болалар бадий ижодиёти уйи ҳамда Ўзбек либослари галереяси иншоотлари. Пойтахтнинг энг гузал мажмуаларидан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Зеро, қурувчилар ва пардозловчилар биноларни аждодларимизнинг қадимий анъаналарига кўра шундай безаяптиларки, уларнинг гўмбаз ва пештоқларига қадимий, миллий меъморий ёчимлардан келиб чиққан ҳолда жило берилмоқда.

Хусусан, Болалар бадий ижодиёти уйи томидоги томоша майдончасидан бутун бошли шаҳар кафдек кўришиб, унга кўтарилганлар ўзини наинки Пойтахтда, балки Мустақил мамлакатимиз марказида тургандек хис этади.

Алишер Навоий номидаги Миллий бог ҳудудига жойлашган «Наврўз» сахна мажмуида олиб борилаётган реконструкция ишлари эндиликда бу ерга келган 10 минг нафардан зиёд томошабинни қўлай ўриндиқлар билан таъминлайди. Миллий бог кўли янгидан сувга тўлдирилиб, ҳамюртларимиз ва фарзандларимиз энди ҳордиқ чиқаришини бошлаб юборишди ҳам.

Озод Ўзбекистонимизнинг қоқ маркази — Мустақиллик майдони бугунги кунда Ватанимиз юраги бўлиб қолди. Эндиликда бу муқаддас маконни зиёрат этиш — юртдошларимизнигина эмас, мамлакатимиз меҳмонлари учун ҳам чукур рамзий маънога эга. Бутунлай янгиланган ва мутлақо ўзгача қиёфа касб этган Майдон кираверишида яна бир янги дарвоза — Эзгулик аркаси бунёд этилаётди. Яқин кунларда бу

ерда турмуш қўраётган келин-куёвлар ўн олтига оппоқ мармар устуларни туташтириб турган шохона дарвоза остонасидан хатлаб ўтиб, Мустақиллик майдонига қадам қўйдилар. Уларнинг тепасида парвозга шайланган жуфт-жуфт турналар, оппоқ лайлақлар гўё ёшларга оппоқ тилақлар билдиргандек чарх уриб туради.

... Ойбек метросидан чиқиб, Шота Руставели кўчасигача бўлган теварак-атрофда ва Шота Руставели кўчасининг икки ёнида ҳамда Усмон Носир, Бобур кўчаларида кеча-кундуз олиб борилаётган қуриш, яратиш, бунёдкорлик ишларини кўриб ҳаяжонланасан киши. Пойтахт аэропортига олиб борувчи асосий йўл атрофидаги таъмирлаш ишлари энди шитроқ эътаётган қурувчиларнинг гайрат-шижоатидан завқланасан, рухланасан...

— Ҳозир Бош Кентимиз — Тошкентнинг ҳамма туманларида байрамолди тиланаятган ва таъмирланаётган барча иншоотларда, — дейди **12-трест акциядорлик жамиятига қарашли 65-қурилиш бошқармаси қурувчилар бригадаси бошлиги Каримжон Ҳамиров**. —

бизнинг трестимиз бунёдкорлари туну кун — 2-3 сменада меҳнат қилишляпти. Тўйга тайёргарлик ўзбекчиликда шундай кечаяпти...

Биз кечагина Эски Жувадаги иншоотларда ишимизни битириб, бугун Шота Руставели кўчасининг икки ёнидаги эски биноларни таъмирлаш учун келдик. Ҳозир биз билан бирга бу ерда 52-қурилиш бошқармасининг пардозловчилар бригадаси аъзолари ҳам ишлашляпти... Қаранг, кечаги кўримсиз бинолар бугун қандай қиройили. Одатда, одамлар кадриятларимизга кўра ўз тўйларини олдида ҳам уй-жойларини тартибга келтиришляпти. Ҳолбуки, биз бугун жуда катта — улғу тўй олдига турибмиз...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: Алишер Навоий номидаги Миллий бог ҳудудига «Наврўз» сахна мажмуидан кўриниш; Шота Руставели кўчаси бўйлаб олиб борилаётган таъмирлаш ишларидан лавҳалар. **Дилшод ЮСУПОВ (УЗА)** ва **Шавкат АҚРАМОВ** олган суратлар

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI KUROLLI KUCLARI HARBIY XIZMATCHILARINI IJTIMOY MUHOFAZA QILISH TIZIMINI YANA TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда Куролли Кучларни ислохотлаштириш, замонавий қурол-яроғ ва техника билан жиҳозланган, турли вазиятларда мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни бажара оладиган сон жиҳатидан ихчам, ҳаракатчан ва мукаммал бўлиналари ташкил этиш борасида миқёси ва мазмунига кўра катта ишлар амалга оширилди.

Шунинг билан бирга ҳарбий хизмат нуфузини ва ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси масалалари доимо давлатнинг диққат марказида бўлиб, Ватан ҳимоячилари тўғрисидаги алоҳида гам-хўрлигининг асосини ташкил этади.

Куролли Кучларни ислохот этишдан иборат мана шу гоғат муҳим вазифаларни ҳал қилишда мамлакат ҳукумати томонидан армияни модернизацйлаштириш жараёнида бўшайдиган ресурслар изланмоқда ва йўналтирилмоқда. Чуночи, 2002 йилдан бошлаб 20 дан ортик ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва уларга мувофиқ ҳарбий унвонлар бўйича маошлар 2 баравардан кўпроқ оширилди, турли тоифалардаги ҳарбий хизматчилар учун мансаб маошларининг янги миқдорлари белгиланди.

Куролли Кучларнинг ҳар хил турлари ҳарбий хизматчиларининг касб маҳорати ўсишини рағбатлантириш мақсадида алоҳида таъмирлаш, маляка даражалари учун пул мукофотининг қўшимча турлари ҳамда иқлим шароитлари оғир бўлган жойлардаги хизмат учун ҳудудий коэффициентлар тўлаш белгиланди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул таъминоти 2 баравардан ортик кўпайтирилди, улар захирага бўшатилаганда бериладиган нафақа энг кам иш ҳақининг 0,4 қисминдан 8 бараваргача оширилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг овқатланишини ташкил этиш, уларни озик-овқат билан таъминлашнинг замонавий меъёр ва талаблари белгиланди. Турар жойлар ижараси учун компенсация миқдорлари ўрта ҳисобда 50 фоиз оширилди.

Ҳарбий қисмларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш бўйича турли дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш вазифаларини амалда ҳал этиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 сентяб-ридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг бошланғич нулиничи разрядга нисбатан 1,30 дан 1,81 гача коэффициентлар ўрнатилган ҳолда мансаб маошлари миқдори 1,2 баравар;

ҳарбий хизматдан бўшатилиш чоғида бериладиган нафақа миқдори 2 баравар оширилсин ҳамда энг кам иш ҳақининг ўн олти баравари миқдорига белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари офицерлари ҳамда контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг мансаб маошларига мавжуд 15 фоизлик ойлик устама ҳақ бекор қилиниб, иловага мувофиқ ҳарбий унвонлар бўйича маошларнинг янги миқдорлари белгилансин.

2005 йилнинг 1 сентяб-ридан Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари офицерлари ва контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти таъминоти ҳизмат муддатини ўтаганлик учун ойлик фойзлик устама ҳақ миқдорлари кўйилгача белгилансин:

3 йилдан 5 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 15 %; 5 йилдан 10 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 25 %; 10 йилдан 20 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 30 %; 20 йилдан ортик хизмат муддатини ўтаганда — 30 %.

3. Мудоофаа вазирилиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирилиги (З.Алматов), Фавқулодда вазиятлар вазирилиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2005 йил 19 август

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATIDA

2005 йил 19 август кун Сенатда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти, кўмита ва фракциялари раҳбарлари иштирокида Сенат Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов қатнашди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялли мажлисига тайёргарлик масалалари, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммолари атрофида кўриб чиқилди. Қонун ижодкорлиги ва икки палатали парламент фаолиятини та-

комиллаштириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизацйя қилишни чўқурлаштириш борасидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишда депутатлар ва сенаторларнинг роли ҳамда масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, жамият ва давлат қурилишининг бошқа муҳим масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов сўзга чиқди. Кун тартибидоги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

ЎзХДП УСТУВОР ЙУНАЛИШЛАРИ БУЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

«КАМЧИЛИКЛАРГА

МУРОСАСИЗ БЎЛМОҒИМИЗ КЕРАК»


пойтахт вилояти Янгийўл туманидаги «Ниёзбоз» ширкат хўжалигида бўлиб ўтган туман партия фаоллари йигилишида бу ҳақиқат бот-бот такрорланди



ларини амалга ошириш юзасидан вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Маъруза ва музокараларда иштирок этганлар мустақиллик йилларида туманда иқтисодий, қурилиш соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида гапириб, бугунги кунда ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларга алоҳида тўхталдилар. Шу ўринда табиий савол туғилади. Айнан шу масалаларда ЎзХДП аъзолари ташаббусқорми? Улар жамиятда бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларга қандай муносабатда?

Йигилишда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси V қурултойи, Марказий Кенгашнинг III пленуми яқунлари ва партия ташкилотларининг партия янги Дастурининг мақсадли кўрсатма-



Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони бутун дунёда катта эътибор билан кутиб олинди. Ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти турли давлатлар сиёсатдонлари, экспертлар ва илмий жамоатчилиги вакиллари томонидан ҳоржий оммавий ахборот воситаларида фаол шарҳланаётди.

Франция стратегик тадқиқотлар жамғармасининг Марказий Осиё ва Кавказ бўлими раҳбари А.Жафалининг таъкидлашича, ўлим жазосини қўллаш масаласи нафақат қонунчилик ҳуқуқий тизим доирасида, балки жамият ҳаётининг сиёсий

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

катламидан ҳам жой олгандир. Унинг фикрича, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига тобора интeгpациялашиб бормоқда, зеро, кўпчилик халқаро ташкилотлар учун ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакат демократиясининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Ж. Холкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ Институти директори Ф.Старр Ўзбекистон Президенти анча аввал мамлакатда ўлим жазосини қўллашга мораторий эълон қилибгина қолмай, балки

зарур шарт-шароит етилиши биланоқ уни тамомила бекор қилади, дея берган баёнотини ёдга олди. Президент И.А.Каримовнинг мақсуд Фармони Ўзбекистон раҳбари ўзи илгари сурган ташаббусларга доимо содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. «Бундай вазиятда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши ўз суд-ҳуқуқ тизимини изчилик билан эркинлаштириб бораётган мамлакат учун ижобий омил ҳисобланади», — деб таъкидлайди танили америка-

ҲАМКОРЛИК БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди. Мақсад мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шароитларни вужудга келтириш ва бу билан қўшимча иш ўринларини яратиш масалаларида ўзаро ҳамкорлик қилишдир.

Тарафлар ҳамкорлик битимида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳар йили биргаликда тадбирлар режасини ишлаб чиқиш юзасидан келишиб олдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmb.uz E-mail: info@tshmb.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'lari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

